

Бу ерда n_m -марузалар сони; m_i -марузага қатнашиш баҳоси.

Семинарлардаги фаолияти. Семинарлардаги фаолиятини баҳолашда ҳам аналогик шаклда ўтказилади:

$$C = \frac{\sum_{i=1}^{n_s} S_i}{n_s} \quad (2.2)$$

Бу ерда n_s -семинарлар сони; S_i -i-семинардаги фаолиятининг баҳоси.

Назорат ишларининг бажарилиши.

Назорат ишларининг бажарилишини баҳолаш ҳар бир иш учун белгиланадиган мураккаблик коэффициентини ҳисобга олиш билан амалга оширилади.

Бу қийматлар оғирлик коэффициентига нисбатан аҳамиятлидир ва оддийига нисбатан мураккаб ишларнинг бажарилишини ҳисобга олишда юқорироқ даражани белгилаш учун мўлжалланган.

$$T = \frac{\sum_{i=1}^{n_t} t_i c_i^t}{\sum_{i=1}^{n_t} c_i^t} \quad (2.3)$$

Бу ерда n_t - назорат ишларининг сони; t_i -i-ишни бажариш баҳоси, c_i^t -i-ишнинг мураккаблик коэффициенти.

Мақолада талабалар билими самарадорлигини қатъиймас-мантқикий усул асосида моделлаштириш ва комплекс тадқиқ қилиш масалалари қаралади.

Адабиётлар

1. Ротштейн А.П. Интеллектуальные технологии идентификации. –Винница: 1999. –С.320.
2. Солодовников И.В., Рогозин О.В., Шуруев О.В., Экспертная система оценки эффективности обучения на основе математического аппарата нечёткой логики, Контроль качества образовательного процесса. № 1, 2006, -С.19-22.

РЕЗЮМЕ

Ушбу ишда талабалар билимларини тизимли ривожлантириш тамойиллари кўриб чиқилган. Такдим этилаётган тизим самарадорлиги асосини ноаниқ рақамлар, билимлар базаси ва экспериментларнинг умумий даври ташкил этади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются принципы разработки системы нечёткой оценки эффективности знаний студентов. В основу оценки эффективности предлагаемой системы положены нечёткие числа, база знаний и общая схема проведения экспериментов.

SUMMARY

In the given article are considered the principles of system development, of fuzzy estimation of efficiency knowledge of students. The basis of offered system estimation efficiency contains fuzzy numbers, base of knowledge and general circuit of realization experiments.

БЎЛАЖАК ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИСИНING МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Г.Е.Карлыбаева - педагогика фанлари доктори (DSc), доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: бўлажак физика ўқитувчиси, методик тайёргарлик, компетенциявий ёндашув, компетенция.

Ключевые слова: будущие учителя физики, методическая подготовка, компетенционный подход, компетенция.

Key words: future teachers of physics, methodological training, competency-based approach, competence.

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «... узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш» белгилаб берилди [1:25].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг методик тайёргарлик фаолиятини янада такомиллаштиришнинг куйидаги йўналишларини белгилаб олишимиз зарур:

- бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлик даражасини доимий равишда ошириб боришга эришиш мақсадида уларнинг назарий, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган касбий фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий методлари соҳасидаги сўнгги ютуқларни ўрганиб бориш;

- замонавий педагогик, инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг сўнгги ютуқларини чуқур ўрганган ҳолда бевосита таълим жараёнига амалий татбиқ этиш асосида мутахассислик бўйича малака талабларини доимий такомиллаштириб бориш;

- бўлажак физика ўқитувчиларининг илмий фаолиятини янада самарали ташкил этиш борасида маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларни таҳлил қилишга ва илмий асослашга ўргатиш;

- малакавий амалиётни юқори савияда ўтказиш ва танланган объектларда битирув малакавий ишларни тажриба синовдан тўлоқанли бажарилишига эришиш орқали малакали педагоглар тайёрлаш [3:10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорида «Ҳар бир олий таълим муассаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш ...» таъкидланиб, муҳим аҳамият касб этади [2].

Бўлажак физика ўқитувчилари келгусида ҳаёти давомида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, мазкур жараёнида дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Мазкур методологик ғоялар асосида ҳозирги замон ўқитувчиси компетенциясига қўйилган малака талаблари қатор халқаро ҳамда Миллий меъёрий-ҳуқуқий

хужжатларда белгилаб берилган.

Жумладан улар:

- олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишларини;
- бошқарув компетентлигининг тузилиши ва мазмунини билиш;
- ўқитишнинг инновацион шакл, метод ва воситаларининг моҳиятини англаш ва ўқув жараёнида қўлланилишини ташкиллаштириш ҳамда назорат қилиш;
- коммуникатив, психологик, ташкилотчилик, креатив, информацион, инновацион компетентлик тушунчаларининг мазмун-моҳиятини;
- илғор таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш йўллари белгилаш;
- ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини бошқариш;
- электрон ўқув модулларининг яратилиши ва сифатини назорат қилиш;
- битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини амалиёт билан боғлашни ташкил этиш;
- педагогик амалиёт базаларини янгилаш ва дастурларини такомиллаштиришни назорат қилиш;
- олий таълим муассасаларида ўқув-методик фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантириш [6:58].

Н.Ш.Турдиев, Ю.М.Асадов ва бошқаларнинг ишларида умумтаълим мактабларида физика ўқитишни ривожлантириш концепцияси, Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ҳамда дарсликлар ва бошқа ўқув-методик адабиётларни компетенциявий ёндашув асосида ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муаммолари тадқиқ этилган [7:10].

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларининг эгалланишинигина эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини ҳам назарда тутди, шунингдек, компетенция мутахассислик билимларни доимо бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, муҳим ижтимоий талабларни англай олиш, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақоза этади [4:4].

А.А.Халиковнинг таъкидлашларига кўра, ёш мутахассис учун «компетентлик» ҳамда «компетенция» тушунчаларини кескин фарқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Эътироф этилаётган атамалар педагогик-психологик фаолиятда кенг қўлланилиб келинишига қарамасдан шу вақтга қадар мавжуд илмий-методик адабиётларда уларнинг мазмун-моҳиятини очишга бўлган ягона қараш ёки ёндашувлар мавжуд эмас [8:5].

Олимлар компетентлик ҳамда унинг таснифи билан боғлиқ бўлган қатор илмий изланишларни амалга оширганлар. Айрим олимлар «компетентлик» ва «компетенция» тушунчаларидан таълимнинг якуний натижаларини тасвирлашда фойдаланишдан бўлишса, баъзи олимлар ривожланаётган шахснинг турли хусусиятларини ифодалашда қўллашганлар.

Компетенция (лотинчадан: *competentia*) – бу инсон мукаммал хабардор бўлиши лозим бўлган, касбий фаолиятига тааллуқли муаммолар моҳиятининг мажмуаси, тажриба ва билимларни эгаллаш, шу билан бирга, ўз соҳасига мувофиқ келувчи билим ҳамда қобилиятларга нисбатан компетентликка эга бўлиш, мутахассислиги бўйича унумли фаолият кўрсатиш кўникма ва малакаларини эгаллашдан иборат.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида компетенция атамасига қуйидагича изоҳ берилган:

1) маълум бир идора ёки мансабдор шахсга қонун ҳамда низомлар, актлар асосида белгилаб берилган ваколатлар доираси;

2) бирор соҳага оид бўлган билим ва тажрибалар мажмуаси.

Таълим жараёнига физикадан компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш орқали қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- давлатимизнинг келгусида жамият, фан, ишлаб чиқариш ва шахсни мустақил ҳаётдаги муаммоларни ҳал этишга қодир ёшларга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш мақсадида бўлажак физика ўқитувчиларининг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги қутилмаган вазиятларда ижодий қўллашга ўргатиш;

- физика таълим мазмунини муаммоли ўқув вазиятларини яратиш орқали ўрганиш асосида бўлажак физика ўқитувчиларининг фан асосларини ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, қизиқишларини ривожлантириш, шахсий сифатларини таркиб топтириш;

- бўлажак физика ўқитувчиларининг ўқув-билиш фаолиятини аниқ физик объектларга қаратиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга ўргатиш орқали Давлат таълим стандарти билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш баробарида бўлажак физика ўқитувчилари томонидан ижодий фаолият тажрибаларининг эгалланишига эришиш;

- бўлажак физика ўқитувчиларини аниқ амалий фаолиятга тайёргарлигини орттириш орқали касбга, ижодий фаолият тажрибаларини ривожлантириш натижасида фан йўналишига йўллаш;

- физикадан ўзлаштирилган илмий-назарий билимларни аниқ ва жараёнли муаммоли вазиятларда амалиётда қўллаш орқали бўлажак физика ўқитувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлаш имконияти мавжуд.

Бугун биз компетенциявий ёндашув асосида яратилган Давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этар эканмиз, биз таълим ходимлари бу жараёни муваффақиятли амалга ошириш учун масъул эканлигимизни англашимиз керак. Олий таълим муассасаларида бирор бир ўзгаришларни амалга ошириш учун, аввал ўқитувчининг касбий онгини тубдан ўзгартириш керак. Компетенциявий ёндашув асосида таълим бериш шароитида ўқитувчиларнинг ўз фаолиятига ёндашуви ҳам ўзгариши керак. Ўқитувчи бундан буён дарслик билан биргаликда бўлажак ўқитувчиларга «объектив билимларни» етказувчиси бўлиб қолмайди. Компетент бўлажак ўқитувчини фақатгина компетент педагог тайёрлаши мумкин.

Бўлажак физика ўқитувчиси коммуникатив компетенцияни таркиб топтиришни назарда тутган ҳолда физика дарсларида таълим оловчиларнинг келгусида жамиятда мулоқатга киришиши учун зарур бўладиган оғзаки ва ёзма нутқни мукаммал ўзлаштириши, ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён этиш, дарслик ва қўшимча адабиётлардаги матн асосида мантикий кетма-кетликда саволлар тузиш, саволларга ёзма ва оғзаки жавоб ёзиш, ўз ўртоқлари ва устозлари билан мулоқатда муомала маданияти меъёрларига амал қилиш, кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида гуруҳ аъзоларининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз фикрини баён эта олиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш, ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларига асосланган ҳолда ўз фикрини ҳимоя қилиш ва ишонтира олиш, дарсларда ташкил этиладиган ўқув баҳслар ва турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур бўлган қарорларни қабул қила олиш, ўз она тили билан бир қаторда хорижий тилларни ўзлаштиришга замин яратиш лозим.

Бўлажак физика ўқитувчиларида ахборот билан ишлаш компетенциясини таркиб топтириш мақсадида мавзуга оид ўқув ва видеофильмлардан фойдаланиши, қўшимча адабиётлар ва Интернет сайтларидан маълумотларни саралаш, шу асосда реферат, доклад ва тақдимот материалларини тайёрлаш юзасидан

топширикларни бериш орқали уларнинг илмий дунёкарашини кенгайтириши учун дарс, дарсдан ташқари ишлар ва экскурсиялардан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

Бўлажак физика ўқитувчиларида ижтимоий фаол фуқоралик компетенцияни таркиб топтиришда умумий ва назарий физика, физика ва астрономия ўқитиш методикаси, физикани ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш, физикадан масалалар ечиш дарсларида ва мустақил ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак физика ўқитувчиларида умуммаданий компетенцияларни ривожлантириш учун онги ва қалбига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш орқали эстетик тарбияга эътибор қаратиш лозим.

Бўлажак физика ўқитувчиларида математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциясини таркиб топтиришда мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида ҳисоблашга

доир физик масалалар, ностандарт ўқув топшириқлари билан ишлашни йўлга қўйиш лозим [5.18].

Ушбу компетенцияларнинг барчасини таъминланиши бўлажак физика ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини ташкил этиш, методик ўзини-ўзи ривожлантиришга нисбатан масъулятни янада оширишга хизмат қилади. Пировард натижада юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва салоҳиятини оширишга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак физика ўқитувчиларида таянч, умумий ва фанга доир хусусий компетенцияларни таркиб топтириш муаммоси методик педагогик компетенцияларига аниқлик киритиш ва педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнида компетенциявий ёндашув талаблари асосида ўқув курсларининг мазмунини янгилаш, шу асосда ўқитишни ташкил этиш ва бошқариш давр талаби саналади. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнининг сифатли ташкил этилишини, малакали кадрлар тайёрлашда юксак самарадорликка эришишни кафолатлайди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ни Фармони. –Т.: «Адолат». 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 21 апрел. №79 (6773).
3. Шарипов Ш.С. Аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг замонавий методологияси: муаммо ва ечимлар мавзусидаги анжуман материаллари. –Т.: 2016.
4. Муслимов Н ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. –Т.: «SANO-STANDART». 2015, 4-5-б.
5. Толипова Ж.О Аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг замонавий методологияси: муаммо ва ечимлар мавзусидаги анжуман материаллари. –Т.: 2016.
6. Карлыбаева Г.Е. Бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш: Пед.фан.докт....дисс. – Нукус: 2019.
7. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбаров С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: «Тафаккур», 2015.
8. Халиков А.А. Педагогик маҳорат. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2011.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак физика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини ривожлантиришда компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш (коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ижтимоий фаол фуқоралик, умуммаданий ва математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш) ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлена информация о развитии методической подготовки будущих учителей физики путём использования компетентного подхода (коммуникативной, информационной, социально активной гражданственности, общекультурной и математической грамотности, осведомлённости и использовании научных и технических новостей).

SUMMARY

The article provides information on the development of methodological training of future teachers in physics through the use of a competency-based approach (communicative, informational, socially active citizenship, general cultural and mathematical literacy, awareness and use of scientific and technical news).

ДИАГНОСТИКА И ОПРЕДЕЛЕНИЕ НАПРАВЛЕНИЙ ПРИМЕНЕНИЯ АРТ-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ЭСТЕТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ

Г.Т.Куттибекова - старший преподаватель

Джиззакский государственный педагогический институт

Таянч сўзлар: ўқувчилар, эстетик тарбия, эстетик жихатдан тарбиялаш, арт-педагогика, диагностика, таркибий қисм, белгилар, йўналиш.

Ключевые слова: учащиеся, комплекс, эстетическое воспитание, эстетическая воспитанность, арт-педагогика, диагностика, компоненты, критерии, направления.

Key words: pupils, complex, aesthetic upbringing, aesthetic mannerliness, art pedagogy, diagnostics, components, criteria, trends

В Узбекистане вопросы активизации и совершенствования деятельности образовательных и культурных учреждений в целях приобщения молодого поколения к национальным и общечеловеческим ценностям, достижениям мировой культуры, развития чувства прекрасного, эстетических потребностей и вкусов возведены в ранг государственной политики. Поиск путей и технологий, активизирующих помощь учителям в достижении образовательной цели – научить и воспитать личность духовно богатого, творчески мыслящего гармонически развитого гражданина – позволяет рассматривать данную проблему как социально и педагогически значимую.

В Указе Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису: "Без

развития культуры и искусства в нашей стране общество не будет прогрессировать" от 22 декабря, 2017г., Постановлениях Президента Республики Узбекистан «О мерах по инновационному развитию сферы культуры и искусства в Республике Узбекистан» ПП-3920 от 26.08.2018 г., в Выступлении Президента на встрече с творческой интеллигенцией 3. 08. 2018г. подробно говорилось о воспитании молодого поколения, повышении действенности и эффективности работы в этом направлении, о необходимости повышения культурного уровня нашего народа, воспитании наших соотечественников, особенно молодого поколения, в духе высоких гуманистических идей, любви и преданности Родине на основе национальных и общечеловеческих ценностей [1,2,3,4].

В педагогической литературе всё чаще рассматривается такая функция уроков художественно-эстетического цикла, как снятие нервно-психоло-